



ТАКАФУЛ: НАЗАРИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

И.ф.д., доц. Абдурахмонов Ильёс

Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети

ORCID: 0009-0000-6534-9279

a.ilyos@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада такафулни аниқлаш бўйича мавжуд бўлган ёндашувлар турли омиллар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Кўпгина назарий ва илмий манбаларни ўрганиш асосида анъанавий тижорат суғуртаси ва тафакул суғуртасининг тамойиллари, қоидалари ва ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Мақолада таҳлил қилинган функциялар, тамойиллар ва қоидалар асосида такафулнинг иқтисодий моҳияти, мазмуни очиб берилган ва уларни замонавий шароитларда амалга ошириш механизмлари кўрсатилган..

Калит сўзлар: *Ислом суғуртаси, такафул, такафул тамойиллари, функциялари, такафул моделлари, ғарар, мейсир, рибо, шарият тақиқлари.*

ТАКАФУЛ: ТЕОРЕТИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ

д.э.н, доц. Абдурахмонов Ильёс

Университет цифровой экономики и агротехнологий

Аннотация. В данной статье анализируются существующие подходы к определению такафула с точки зрения различных факторов. На основе изучения многих теоретических и научных источников рассмотрены принципы, правила и особенности традиционного коммерческого страхования и тафакул-страхования. На основе проанализированных в статье функций, принципов и правил раскрывается экономическая природа и содержание такафула, а также показаны механизмы их реализации в современных условиях.

Ключевые слова: *исламское страхование, такафул, принципы такафула, функции, модели такафула, гарар, мейсир, рибо, шариятские запреты.*

TAKAFUL: THEORETICAL-ECONOMIC FOUNDATIONS AND IMPLEMENTATION MECHANISMS

DSc, assoc. prof. Abdurakhmonov Ilyos

University of Digital Economy and Agrotechnologies

Abstract. This article analyzes existing approaches to determining takaful from the point of view of various factors. Based on the study of many theoretical and scientific sources, the principles, rules and features of traditional commercial insurance and tafakul insurance are considered. Based on the functions, principles and rules analyzed in the article, the economic nature and content of takaful is revealed, and the mechanisms for their implementation in modern conditions are shown.

Keywords: *Islamic insurance, takaful, takaful principles, functions, takaful models, gharar, maysir, ribo, Shariah prohibitions.*

Кириш.

Сўнги йилларда жаҳон ҳамжамияти ва иқтисодиётида бўлаётган кескин ўзгаришлар (иқтисодий санкциялар, инқирозлар, сиёсий ўзгаришлар ва тўсиқлар, сиёсий вазиятлар натижасида аҳоли миграциясининг кучайиши, пандемия ва бошқалар) натижасида иқтисодий ривожланиш вектори ва стратегиясини, жумладан молия институтлари ривожланишини қайта кўриб чиқишни, шунингдек суғурта соҳаси ва унинг элементлари, янги усуллари (ислом суғуртаси такафулни) кенг жорий этишни давр талаб қилиб қўймоқда.

Ҳозирги кунда тижорат ва ўзаро суғурта кўплаб мамлакатларнинг суғурта хизматлари бозорларида кенг ривожланиб келмоқда. Ислом суғуртаси жаҳон суғурта бозорида ҳам муваффақиятли ривожланиб бормоқда ва барча аҳоли қатламлари орасида кенг фойдаланиб келинмоқда. Шунингдек, миллий суғурта бозоримиз истеъмолчилари орасида ҳам жуда катта қизиқиш ўйғотмоқда. Бу борада Давлатимиз раҳбари Мирзиёев (2020) таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келганлиги шунингдек, бунда Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертларини жалб этиш” масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Аммо шунга эътибор бериш керакки, ҳамма мамлакатларда ҳам ислом суғуртасини жорий этишнинг институционал, қонунчилик ва ташкилий механизмлари шаклланмаганлиги сабабли суғурта соҳасида уни жорий қилишда турли хил қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ислом суғуртаси ёки такафул – бу ислом молия тизимининг янги ривожланиб келаётган йўналишларидан биридир. Сўнги йилларда ислом суғурта тизими барқарор ўсиш кўрсаткичларини намоён этиб келмоқда, аммо бу ислом молия тизимининг бошқа соҳаларига нисбатан ривожланиш даврини босиб ўтмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Дастлаб такафул мусулмонлар учун замонавий суғурта тизимига нисбатан шариат қонунларини ҳисобга олган ҳолда муқобил тизими сифатида шаклланиб келган, аммо вақт ўтиши билан такафул хизматларини тақдим этувчи ташкилотлар хизматларидан бошқа дин вакиллари ҳам кенг фойдалана бошлашган. Бугунга кунга келиб исломий суғурта хизматлари тақдим этиладиган мамлакатларда такафул ташкилот мижозлари турли хил эътиқоддаги дин вакиллари ҳисобланадилар.

Аксарият олимлар томонидан “такафул” сўзи араб тилида “бир-бирига ўзаро келишилган кафолатларни тақдим этиш” деган маънони англатувчи “кафала” иборасидан келиб чиққанлигини таъкидлашади.

Тафакулга берилган тарифларни умумлаштирадиган бўлсак қўйидаги ёндашувларни кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Такафулга берилган тарифлар таснифи

Муаллифлар	Такафулга берилган тарифлар
Р.И. Беккин (2003)	Ҳам тижорат, ҳам ўзаро шаклда амалга оширилиши мумкин бўлган мустақил муқобил суғурта тизими
И.Л. Логвинова (2012)	Суғурта ҳимоясини тақдим шакли
А.С. Рыскулов (2010), А.О. Солдатова, Х.С. Умаров, С.П. Фукина (2014)	Ислом суғуртаси ёки такафул – бу ўзаро ёрдам (таавун) ва ихтиёрий бадаллар (табарру) тамойилларига асосланган ҳолда гуруҳ аъзолари ўртасида рискларни тақсимланиши таъминлайдиган тизим. Такафул ислом ҳуқуқи тамойилларига жавоб берадиган суғурта шаклидир.
Я. Бумбаджи, А.А. Цыганов (2014)	иштирокчилари ва ташкилот ўртасида фойда ва зараларни тақсимлаш тамойилига асосланган ҳолда шариат қонунларига мувофиқ суғурта ҳимоясини тақдим этишдир, халқаро амалиётда такафул деб юритилади.

Badawi (1998) anʼanaviy suʼurta va takafulni bir hil deb ʻhisoblayдилар, масалан “takaful тушунчаси anʼanaviy suʼуртага жуда яқин бўлиб, ҳам исломий ҳам anʼanaviy suʼурта бу молиявий қийинчиликларга дуч келган фуқароларга ёрдам бериш воситасидир. Бундай воситалар рискларни бартараф этишнинг замонавий усуллари ʻhisобланади”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, anʼanaviy тижорат суʼуртаси ва takaful рискларни бартараф этмайди, балки салбий оқибатлар натижасида етказилиши мумкин бўлган молиявий зарарларни камайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, тадқиқотчи Абдурахмонов (2018-2022) тадқиқотларида миллий суʼурта бозори, унинг ҳолати, унинг замонавий ривожланиш йўналишлари, инновацион суʼурта маҳсулотлари, суʼурта соҳаларининг ривожланиш тенденциялари, суʼурта бозорида манфаатдор томонларининг фаолияти, шунингдек суʼурта бозорини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий шакллари бўйича ўз фикрларини баён этган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида ислом суʼуртаси, takafulнинг суʼурта соҳасидаги ўрни борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек takaful суʼуртасини жорий этиш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Takafulнинг моҳиятини талқин этишдан олдин унинг тамойиллари, қоидалари ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз. Anʼanaviy тижорат суʼуртаисининг takafulдан фарқи унда рибо (судхўрлик), ғарар (нонаниқлик, мавҳумлик), майсир (қимор) ва ҳаром (тақиқланган фаолият тури) каби тақиқланган элементлари мавжудлигидир (2-жадвал).

Ислом молия тизимидаги асосий тақиқланган тамойиллардан ташқари, тақиқловчи тамойиллар ҳам мавжуд, жумладан:

- рискларни тақсимлаш (қайта суʼурталаш) – исломда шартнома иштирокчиларининг рискларини пул эвазига (еки бошқа) бошқа томонга ёки учинчи шахсларга бериш (ўтказиш, трансферт) тақиқланади. Шартнома иштирокчилари келишувда келишилган рискларни ўзаро (ёки иштирокига мос равишда) тақсимлашлари мажбурдирлар;

- шартноманинг амалда бўлиши (шартлар бузилмаслиги) – шартнома мажбуриятларини бажариш томонлар мажбуриятларининг энг муҳими ʻhisобланади;

- пул маблағлари фақат потенциал капитал сифатида қаралади, у ишлаб чиқариш фаолиятига (захираларни инвестиция қилиш) инвестиция қилингандан кейингина ҳақиқий капитал ʻhisобланади.

Takafulнинг асосий тамойиллари ва қоидалари қўйидагилардан иборат:

- ҳар бир иштирокчи томонидан тўланадиган бадалларнинг бир қисми ихтиёрий ҳадя ва хайр-эҳсон сифатида кўриб чиқилади ва суʼурта ҳодисаси юз берганда тўловларни кафолатлайдиган фондга йўналтирилади, шу сабабли унда ортиқча ғарар (ноаниқлик, мавҳумлик) йўқдир. Шунингдек takaful ташкилоти ҳам шартномага мувофиқ ўз фойда улуши ҳақида хабардор бўлади. Олинадиган даромад миқдори ташкилот тоинидан амалга ошириладиган операцияларга боғлиқ бўлади ва у олинган ҳақиқий даромадга боғлиқ булмайди ва қатъий белгиланмайди;

- takafulнинг асосий мақсади бу суʼурта жараёнлари иштирокчиларига рисклардан кафолат тақлим этиш, бунда томонлар бир вақтнинг ўзида ҳам кафолат берувчи ва олинувчи шахс сифатида иштирок этишади;

Такафул суғуртасининг моҳияти (Фукина, 2014)

Анъанавий тижорат суғуртасида тақиқланган унсурлар	Моҳияти	Такафул суғуртасидаги ечим
Ғарар	Суғуртанинг айрим турларида суғурта қопламаси миқдори билан боғлиқ ноаниқликлар мавжуд.	Такафул фондидаги иштирокчи зарарни қоплаш учун зарур бўлган пул маблағларининг кафолатли тўланишидан ташқари, суғурта ҳодисаси юз беришидан қатъи назар (фойда ва зарарни тақсимлашга асосланган тизим) даромад олиш имкониятига эга бўлади. Такафул оператори ҳам олдиндан келишилган шартнома шартларига кўра даромаддаги ўз улушини билади.
	Суғурталанувчида суғурта компаниясида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта қопламасини тўлаш бўйича пул маблағларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги.	
	Суғурталанувчида у тўлаган суғурта пуллари шариат қоидалари асосидаги рухсат этилган операцияларда ишлатилиши бўйича ишончнинг йўқлиги.	
Майсир	Суғурта ҳодисаси содир бўладими йўқми номаълум, суғурта қопламаси тўланиши йўқми шартнома иштирокчилари учун мавҳум ҳисобланади.	Такафул шартномасида рискларни тақсимлаш спекулятив элементлар бўлмаслиги керак, шу сабабли муносабатлар ўзаро ҳимояга асосланади (таавун)
Рибо	Иштирокчиларнинг бадаллари анъанавий суғуртада мукофот сифатида кўриб чиқилади.	Иштирокчиларнинг бадаллари ҳадия, ихтиёрий хайр-эҳсон (табарру) сифатида баҳоланади ва махсус фонда шакллантирилади, ундан эса суғурта ҳодисаси юз берганда тақдирда тўлов тўлаб берилади

- анъанавий тижорат суғуртасида кенг қўлланиладиган фоизли муносабатлардан қочган ҳолда фойдани тақсимлашнинг махсус (“мудароба”) механизмидан фойдаланиши;

- такафул ташкилотларининг янги маҳсулотларини (хизматларини) баҳолаш, такафул операторлари томонидан амалга оширилаётган фаолиятларини ислом ҳуқуқи, меъёрлари ва тамойилларига мувофиқлигини назорат қилиш бўйича махсус ихтисослашган (Шариат кўзатув кенгаши) органнинг мавжудлиги;

- такафул шартномасининг барча томонлари амал қилиши керак бўлган юқори виждонли жавобгарлик (utmost good faith) тамойилининг мавжудлиги;

- суғурталанувчилар тақаул суғурта компаниясининг директорлар кенгашига ўз вакилларини тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар;

- анъанавий тижорат суғуртасидан фарқли ўлароқ, такафулда “мерос” (меросхўр) ва “васият” (суғурталанувчининг хошиш истаги) шартларини бузиш мумкин эмас.

Такафул ўзида ўзаро ёрдамга асосланган тақсимот муносабатларини акс этиради. Ислом суғуртаси тижорат ва ўзаро суғурта шаклда амалга оширилишига мумкинлиги сабабли унда турли дин эътиқодидаги фуқаролар гуруҳи ихтиёрий равишда рискларни тақсимлашда ва фойдада иштирок этишлари мумкин.

Такафул моҳиятини унинг функциялари янада ёрқинроқ очиб беради. Гомелля (2010) такафул худди тижорат суғуртасига ўхшаш функцияларини (рисклилик, огоҳлантириш, жамғариш, назорат) бажаради.

Такафулда тижорат суғуртаси функцияларининг талқин ва амал қилиш моҳиятини олиб қарайдиган бўлсак қўйидагиларни кўришимиз мумкин (3-жадвал)

Юқорида келтирилган функцияларни таҳлили натижасида шуни кўришимиз мумкинки “рисклилик” функцияси такафулда “ҳимоя” функцияси вазифасида талқин этилади, сабаби такафулнинг асосий мақсади шариат қонун қоидалари ва

тамойилларига мувофиқ иштирокчиларни, уларнинг мулкый манфаатларини ҳар хил турдаги рисклардан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

3-жадвал

Такафулда суғурта функцияларининг талқини¹¹⁵

Суғурта функцияси	Намоён бўлиш шакллари
Рисклилик	Риск такафул фонди жамоа иширокчилари ўртасида ихтиёрий равишда қайта тақсимланиши
Огоҳлантириш	Суғурта ҳодисаси оқибатлари ва даражасини камайтириш мақсадида такафул фонди ҳисобидан огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга оширилиши
Жамғариш (депозит)	Иштирокчиларнинг махсус ҳисобварағидаги маблағларни инвестиция қилишдан олинган фойдада (такафул фондини бошқариш турига қараб иштирокчилар маблағларининг тўлиқ ёки бир қисми шариат қонунлари билан рухсат берилган фаолият турларига инвестиция қилиниши)
Назорат	Шариат кенгаши томонидан – ислом қонун қоидалари асосида инвестиция қилиш бизнес-моделлари ва шакллари нозорат қилиниши; Такафул операторлари томонидан – суғурта тарифлари, харажатлари, суғурта тўловлари миқдорларини ҳисоблашнинг асосланганлиги баҳолаш, инвестиция фойдасини аниқланиши.

Анъанавий тижорат суғуртасида жамғариш (депозит) функцияси фақат ҳаёт суғуртасида ҳисобга олинади, такафулда эса ҳар қандай суғурта туридаги шартномалар учун иштирокчиларнинг бадаллари йиғилиб борилади.

Такафул фонди иштирокчиларнинг бадаллари “ҳадиялари” ҳисобига шаклланади ва суғурталанувчилар (фонд иштирокчилари) уларни сақлаб қолмайди. Бироқ, улар киритилган (депозит) маблағларнинг тўлиқ ёки бир қисмини инвестиция қилиниши сабабли даромад олишади. Шу сабабли такафулда жамғариш функцияси амалга оширилмайди, балки тўлиқ миқдор депозит функцияси амалга оширилади.

Такафул суғуртаси йигирманчи асрнинг 70-йилларида мусулмон мамлакатларда анъанавий тижорат суғуртаси шариат қонун қоидаларига зид деб топилганидан кейин ривожлана бошланган (4-жадвал).

4-жадвал


Жаҳонда такафул суғуртасининг шаклланиши (Магомадова, 2014)

Йил	Тавсифи
1972	Малазиянинг Фатво қўмитаси ҳаёт суғуртасида рибо, ғарар ва мейсир элементлари мавжудлиги туфайли унга тақиқ қўйди
1976	Маккада (Саудия Арабистон) бўлиб ўтган Ислом иқтисодиёти бўйича биринчи халқаро конференциясида тижорат суғуртасини ислом қонун қоидаларига мос келмаслиги сабабли тақиқлаш бўйича қарор қабул қилди.
1979	Суданда ташкил этилган биринчи ислом суғурта компаниялари коператив модел шаклида биродарлик ва ўзаро ёрдам тамойили асосида ислом суғуртасининг концепциясига амал қилган ҳолда фаолият бошладилар. Қисқа вақт ичида Малазия, Баҳрайн, БАА, Саудия Арабистони, Қувайт, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Луюксембург давлатларида ислом тамойилларига амал қиладиган такафул операторлари фаолияти йўлга қўйилди
1984	Малазияда Ислом суғуртаси тўғрисида қонун қабул қилинди ва биринчи ислом суғурта ташкилоти (такафул) пайдо бўлди
1985	Ислом конференцияси ташкилоти ҳузуридаги Ислом ҳуқуқшунослик (фиқҳ) академияси кенгаши “Суғурта ва қайта суғурта” тўғрисида фатво қабул қилди, унда анъанавий тижорат суғуртаси шариат қонун қоидаларига номувофиқ деб топилди. Шунингдек мусулмон давлатлар ҳукуматларига шариат тамойиллари асосида ислом суғурта тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида тавсиялар берилди. Шу билан қаторда томонларнинг биргаликдаги жавобгарлигини назарда тутувчи ўзаро ёрдам (таавун) ва хайрия тамойилларига асосланган келишувлардан фойдаланиш таклиф қилинди.

¹¹⁵ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвалда келтирилган тавсифлардан кўришиб турибдики тижорат суғуртасида мавжуд тақиқланган элементлар тақафул суғуртасида воз кечилганлиги, шунингдек унинг ўзига хос хусусиятлари таъкидланган ва ажратиб кўрсатилган.

Тақафул суғуртада худди тижорат суғуртасига ўхшаган умумий (мулкый ва жавобгарлик суғуртаси) ва шахсий (оилавий) суғурта тармоқлари мавжуд. Тақафул операторларининг суғурта ва инвестиция фаолияти натижаларини тақсимлашда турли хил ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда тақафул суғуртаси мусулмон бўлмаган мамлакатларда оммалашиб бораётганга таяниб унинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин (1-расм).



1-расм. Тақафул суғуртанинг таснифланиши¹¹⁶

¹¹⁶ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Такафул суғурта моделларини таҳлил қилар эканмиз кшйидаги ҳолатни кўзатишимиз мумкин (5-жадвал). Бундай турдаги такафул моделларининг пайдо бўлиши ислом суғуртасининг ривожланиши эволюциясининг нажасидир.

5-жадвал

Такафул суғурта моделларининг таснифи (Гомелля, 2010)

Модел	Тавсифи
Даромадсиз (таавун)	Иштирокчилар ўртасида биродарлик, бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик концепциясига асосланган, тўсатдан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар натижасида ёрдамга муҳтожларга ёрдам беришга асосланади. Такафул оператори иштирокчилар номидан ишончли бошқарувчи сифатида фаолият юритади ва фойда олиш ниятида бўлмайди. Фойда ва андерайтерлик устамалари (ортиб қолган маблағлар, қўшимчалар) иштирокчилар ўртасида тўлиқ тақсимланади
Кооператив (соф мудараба)	Такафул оператори иштирокчилар маблағлари билан ишлайди, бунда иштирокчилар 100 фоиз суғурта даромадани олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ортиқча маблағларни инвестиция қилиш орқали олинган фойда иштирокчилар ва оператор ўртасида келишилган улушда тақсимланади. Фойданинг келишилган улушларини иштирокчилар ўртасида тақсимламасдан олдин ташкилотга ҳар қандай ажратмаларни амалга ошириш ҳуқуқи берилмайди. Ташкилотнинг барча харажатлари унинг фойдадаги улуши орқали қопланади. Соф мудараба умумий суғуртага (мулкӣ ва жавабгарлик суғуртаси) нисбатан кўпроқ оилавий (шахсий суғурта) тўғри келади.
Тижорат (модификациялашган мудараба)	Бу иштирокчилар ва оператор ўртасида келишилган улушларда нафақат инвестиция фаолиятдан олинган фойда, балки суғурта фаолиятдан олинган фойдани ҳам тақсимлашни назарда тутлади. Шунингдек, зарарлар ҳам томонлар ўртасида тақсимланиши кўзда тутилади. Ортиб қолган маблағларни иштирокчилар ўртасида тақсимланишидан олдин оператор улардан қилинган харажатларни ушлаб қолади
Агентлик (вақала)	Суғурта ташкилоти иштирокчилар учун агент (воситачи) вазифасини бажаради. Агентлик моделида оператор иштирокчилардан қатъий белгиланган (комиссион ҳақ, воситачилик ҳақи) ҳақ олади, у агент томонидан қилинган операцион харажатларни қоплайди ва иштирокчилар бадаллари ҳисобидан ундирилади (шаклланади). Ушбу моделда иштирокчилар барча рискларни ўз зиммаларига олишади (агар суғурта тўлови миқдори иштирокчилар томонидан тўланган суғурта бадалларидан юқори бўлса, унда бу фарқ иштирокчиларнинг қўшимча тўловлари ҳисобига қопланади). Оператор иштирокчиларга тегишли бўлган ортиқча маблағларга даъвогар бўла олмайди. Шунингдек “модификациялашган вақала” модели мавжуд, ундан фойланганда суғурта фаолиятдан олинган фойда ташкилот (унинг акциядорлари) ва шартнома муддати давомида зарарни қоплаб бериш тўғрисида даъво бермаган (мурожат этмаган) иштирокчилар ўртасида тақсимланади. Яна қўйидаги вариантлар ҳам мавжуд: - қоплаш бериш даъво аризасидан қатъий назар барча иштирокчилар ортиқча маблағларни олиш ҳуқуқига эгалиги; - ҳар бир иштирокчи ортиқча маблағларини талаб қилиш ҳуқуқига эга агарда тўланган қоплама у тўлаган бадаллар миқдоридан ошмаган бўлса
Гибрид модел (мудараба-вақала)	Такафул оператор иштирокчилар фондини бошқарувчи вакил вазифасини бажаради ва кўрсатилган хизматлари учун ўрнатилган (белгиланган) ҳақни олади. Иштирокчилар фондидан фойдаланган ҳолда олинган инвестиция даромадлари оператор ва иштирокчилар ўртасида тақсимланади.
Вақала-вақф модели	Ушбу модел модификациялашган вақала моделини акс эттиради, унда оператор акциядорларининг бошланғич хайра маблағлари ҳисобидан вақф фонди ташкил этилади. Иштирокчилар маблағлари тўғридан-тўғри вақф фондига юборилади. Такафул операторлари ўз йиғимларини вақф фондидан ушлаб қолади. Қолган маблағлар шариат томонидан тавсия этилган инвестиция воситаларига инвестиция қилинади. Инвестициядан олинган фойда оператор ва иштирокчилар ўртасида келишилган улушларда тақсимланади. Қопламалар, ретакафул харажатлари ва андерайтерлик харажатлари чегириб ташланган кейин суғурта фаолиятдан олинган 100 фоиз даромад суғурта ҳодисаси юз бермаган иштирокчилар ўртасида уларнинг улушларига мувофиқ тақсимланади

Ҳозирги иқтисодий шароитда ислом суғуртаси ривожланишининг дастлабки босқичига хос бўлган “даромадсиз (таавун)” модели ўзининг рақобатбардошмаслигини кўрсатди. Бу шу билан изоҳланадики, ҳар бир тадбиркор яъни такафул фонд оператори ўз фаолияти учун мукофот олиши, яъни агентлик ҳақи олиши ёки фойлият натижаларини тақсимлашда иштирок этиши ёхуд арашлаш кўринишда ҳақ олишдан манфаатдор ҳисобланади. Шу сабабли ушбу такафул моделидан деярли фойдаланилмапти.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олган такафул молия бозори иштирокчилари учун шуниси билан қизиқи у молиявий инқирозлар даврида синовдан ўтган ва барқарор ривожланишнинг юқори суръатларини намоён этган.

Ҳар қандай мамлакат миллий суғурта тизимига ислом суғуртаниси жорий этиши ва ривожлантиришда қўйида йўналишларда фаолият олиб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни:

1) давлат органлари, шу жумладан суғурта назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш;

2) суғурта ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш;

3) салоҳиятли суғурталанувчилар орасида янги стереотипларни шакллантириш ишларни олиб бориши керак булади.

Бу йўналишларда ишларни янада ойдинлаштирадиган бўлсак улар қўйидаги чора-тадбирларни қамраб олиши лозим, жумладан давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан қўйидагилар:

– шариат қонун ва қоидалари асосида ислом суғуртасини миллий суғурта хизматлар бозорида ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– халол суғурта стандартларини ишлаб чиқиш;

– такафул операторлари фаолиятини тартиб солиш нуқтаи назаридан қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

– хорижий такафул ташкилотлари ва суғурта назорати органлари фаолияти тажрибаларини ўрганиш;

– такафул ташкилотларини фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш.

Суғурта ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ислом суғуртани амалга ошириш имконини берадиган суғурта шартлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш;

– компания фаолиятига такафул операцияларини ва маҳсулотларини шариат меъёрларига мувофиқлиги назорат қилиб борадиган маслаҳатчиларни (Шариат кенгаши орасидан) жалб қилиш;

– такафул фонди шакллантириш моделини танлаш ва унинг асослигини асослаш;

– такафул фондини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш;

– такафул соҳасида хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлилий асосда ўрганиш.

Салоҳиятли суғурталанувчилар ўртасида янги стереотипларни шакллантириш борасида қўйидагиларни амалга ошириш:

– такафул операцияларини ва маҳсулотларининг хусусиятларини очиб бериш бўйича таништирув ва амалий семинарлар (тренинглар) ташкил этиш;

– такафул маҳсулотларига барқарор талаб шакллантириш мақсадида реклама тадбирларини амалга ошириб бориш.

Шундай қилиб такафул суғуртаси тижорат суғуртаси қамраб олмаган соҳаларни қамраб олиши ҳисобига суғурта бозорини кенгайтириши мумкин. Ислом суғуртасини жорий этиш жараёни бир мунча мураккаб бўлиши мумкин, бироқ жаҳон бозорида

такафул хизматларига бўлган талаб тобора ортиб бораётганили сабабли ислом суғурасини жорий этиш давр талаби сифатида намоён бўлмоқда.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

- Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.
- Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(6), 7.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>
- Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 7.
- Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.
- Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent. "IQTDISOD-MOLIYA.
- Akhter, W. (2010) *Takaful Models and Global Practices / W. Akhter // Journal of Islamic banking and finance*. – Vol. 27. – № 01. – P. 30-44. – Режим доступа: mpra.ub.uni-muenchen.de/40010.
- Badawi Z. A (1998) *Model for Mutual Insurance // Islamic Banker*. June. P. 18.
- Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.
- Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
- Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.
- Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.
- Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №4, 1-10 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.
- Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.
- Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95–99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланиш тенденциялари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(4), 309-319.
- Абдурахмонов, И. Х. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс.... и. ф. н, 2б.
- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.:«Иқтисод молия, 353-354.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.

Беккин Р.И. (2003) Страхование в мусульманском праве: теория и практика: дис., канд. экон, наук. М., С. 79–81.

Бумбаджи Я., Цыганов А.А. (2014) Институциональная структура регулирования исламского страхования // Финансовый журнал. № 1. С. 35–44.

Гомелля В.Б. (2010) Очерки экономической теории страхования / под ред. Е.В. Коломина. М., С. 73–75.

Лагунов, А.С. (2011) Малайзия в качестве мирового лидера исламской финансовой системы / А.С. Лагунов // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы развития. – № 16. – С. 212-225.

Логвинова И.Л. (2012) Такафул как метод создания страховой защиты // Страховое дело. № 12. С. 76–86.

Магомадова, М.М. (2014) Организационно-экономический механизм развития исламского страхования в регионах России / М.М. Магомадова // Современные проблемы науки и образования. – № 3. – С. 383-393.

Мирзаев (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778) сон.

Рыскулов А.С. (2010) Исламское страхование: сущность, содержание, принципы // Развитие экономики в посткризисный период: ориентиры и перспективы роста: сборник. Алматы, Т. III. С. 311–318.

Солдатова, А.О. (2012) Такафул или страхование по-исламски / А.О. Солдатова // Проблемы современной экономики (Новосибирск). – № 7. – С. 264-268.

Туфетулов, А.М. (2014) Контрактные модели такафул / А.М. Туфетулов // Социальная роль системы страхования в условиях рыночной экономики России: Сборник трудов XV Международной научно-практической конференции. Гафуров И.Р. (отв.редактор). Казань, – С. 157-160.

Фукина С.П. (2014) Особенности организации исламского страхования и перспективы его внедрения на страховой рынок России // Вестник АГТУ. № 1. С. 108–115.

Фукина, С.П. (2014) Особенности организации исламского страхования и перспективы его внедрения на страховой рынок России / С.П. Фукина // Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика. № 1. – С. 108-116.